Бўза, май ва умуман кайф берадургон ичкиликларининг зарарли бўлиши тўгрисида сўзлаб ўлтириш ортикчадир. Унинг кандайин захри беомон экани илман собитдир. Якинда бутун Русия олимларининг Масковда бўлуб ўткан курултойи аклсизлик-жинниликнинг ичкиликка жуда якин алокада бўлганини исбот этди.
Бу нарса Туркистоннинг бутун шахар ва кишлокларига ёйилгон. Хатто баъзи бир зиёлилар ва хотинларига хуррият тарафдори бўлгон кимсалар ўз оилалари билан хам «расман» ичишмакка бошлагонлар.
Кўп кишилар бунинг кўп ичилишини билимсизликдан, зарарини тушунмаганликдан келадир, дейдилар. Лекин бу тўгри эмас. Дўхтурлар хам тамаки ва «алкагул»нинг зарарини жуда яхши билатуриб, ўзларини шундан торта олмайдирлар. Бу, тўгриси, тарбиясизликдан келгандир. Бундай кишилар ўзларини идора эта олмайдургон зотлардир. Бунга ўргангандан кейин кутулиш кийин.
«Туркистон» газетининг ўтган сонларидан бирида, Туркистон Хатк комиссарлар шўросининг кўкнори экишни ман килиб чикаргон карори ёзилди. Биз буни кўруб халкни захарлайдургон моддалардан бирини камайтириш ва битириш йўлига киришганлигини кўруб жуда севиндик ва олкишладик. Бугун ичкилик тўгрисинда хам ўз товушимизни халкнинг хомийи ва мураббийи бўлган юкори хукумат доираларига эшитдирмакчимиз. Ичкилик ўзгаришдан кейин бир неча вактлар ман килингон бўлса хам, «иктисодий-сиёсат» билан яна эски холига кайтди. Самогун ва мусаллас пиширгувчилар билан кураш олиб боргон бўлса хам, ул кўп вакт давом этмади. Шундан кейин яна ривож олиб кетди.
Мана бу курашни тўхтатмаслик керак. Юкори доираларимизнинг, айникса, бўлис ва кишлок ташкилотларининг ва халкимизни маданий хаётга якинлаштирмок дардида бўлгон ишчиларимизнинг шу масалага жиддийрок карамокларини ўтинамиз.

Вадуд Махмуд

Ушбу макола «Туркистон» газетасининг 1923 йил 24 декабр сонида эълон килинган.